

## ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

**Кенжаев Нурбек Шухрат ўғли**  
*ИИВ Академияси 312-гурӯҳ курсанти*

**Аннотация:** Уибү мақолада талончилик билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг аҳамияти ва узига ҳос хусусиятлари, шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишининг тартиби, ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон тарож қилиши билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши бўйича ҳамкорликни ташкил этишининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти тахлил қилиниб, такомиллаштиришига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқши билан биргаликда соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиши бўйича хориж тажрибалари ўрганиб чиқилиб, уибү фаолиятни такомиллаштириши йўналишилари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Талончилик, зўрлик, моддий зарар, иқтисодий этишимовчилик, шахснинг мулкини очиқдан-очиқ эгаллаш, маънавий зарар.

### КИРИШ

Дунёда глобаллашувнинг жадаллашуви талончилик ҳолатлари ортаётганлигидан далолат бермоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, 2023 йил дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқот натижалари, дунёдаги 24% вояга етмаганлар, 55% аёлларга нисбатан турли хил турдаги жамоат жойларда бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, аҳоли гавжум жойларда, хиёбон, ўқув-юртларида, бозор-расталарда ва бошқа турдаги жамоат жойларида кузатилмоқда.

Республикамизда талончилик билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир ўзига ҳос миллий тизим ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилиб, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришига аҳамият берилганлиги натижасида фуқароларни турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу соҳадаги миллий қонунчилик тизими

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;

2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;

2014 йил 14 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни;

2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни;

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Конуни;

2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатлари тўғрисида”ги Конуни; **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта**даги

ПҚ-2883-сонли “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги

ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрьдаги

ПҚ-4075-сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш буйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

Асосий қисм.

Жиноятларнинг, хусусан, талончилик жиноятларининг олдини олишнинг асосий чора-тадбирлари жумласига илгари судланганларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, фуқароларнинг хуқуқий маданияти ва онгини янада юксалтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан халқнинг ишончини ошириш, илгари судланганларга (айниқса, ёшларга) мураббийлар бириттириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, муқаддам судланган маъмурий назорат остига тушувчи шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш кабиларни киритиш мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси борасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларни касбга ўргатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳаттоқи пенсия таъминоти борасида ҳам ижобий ўзгаришлар қилинмоқда.

Айниқса, жиноят содир этган ўсмирларни жамиятга қайтариш, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш борасида бир қатор дастурлар асосида амалий чора-тадбирларнинг мунтазам равишда амалга ошириб келинаётганлиги жиноятларнинг барвақт профилактикаси борасидаги фаолият самарадорлигини янада оширади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ички ишлар органлари томонидан бошқа масъул давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳозирдан ўз самарасини бераётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар орасида талончилик жинояти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларнинг ҳам аниқ ва сифатли даражада ишлаб чиқилиши лозимлигини тақозо этади. Бинобарин, талончилик жиноятларининг олдини олишда хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва

муассасалар томонидан зарур бўлган доимий ҳамкорлик ижобий натижаларга эришиш учун имкон яратади.

Талончилик жиноятларининг олдини олиш борасидаги профилактик чора-тадбирлар доирасида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, жумладан, жиноят қидирув, тергов, патруль-пост, профилактика ва бошқа хизматлари ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Бу борада биргина профилактика инспектори томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май қунидаги «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бошқа турдаги жиноятлар бўйича нашр этилган қўлланмаларда ҳам келтирилган. Хусусан, ҳукуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида талончилик жиноятларининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида чиқишлилар, жойларда кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар ўқиш, давра сухбатлари ва учрашувлар ташкил этиш, шунингдек талончилик жинояти содир этилиши эҳтимоли мумкин бўлган ҳудудларда патруллик йўналишларини ташкил этиш, хизмат ҳудудини кеча ва кундузги вақтларда профилактик кўздан кечириш каби умумий профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, профилактика инспектори талончилик жиноятининг олдини олишда хизмат ҳудудида ёки маъмурий ҳудудда жойлашган алоҳида обьектда талончилик жиноятлари, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат мулкини талонторож қилишга қаратилган хавф-хатарлар юзага келиши кучайганда ғайриижтимоий хулқ-атворли, талончилик ва мулкий турдаги жиноятларни содир этишга мойил ёки муқаддам шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш билан боғлиқ маҳсус профилактик чора-тадбирларни ташкил этади. Бунда профилактика инспектори фуқаролар йигинини хабардор қилиб, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг ходимларини ҳам жалб этган ҳолда ИИВнинг ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳукуқий ҳужжатлари асосида «Назорат», «Ижро», «Тозалаш-Антитеррор» ва бошқа шу каби маҳсус ва тезкор профилактик тадбирларни амалга ошириши лозим. Маҳсус профилактик тадбирларни ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган маҳсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Холоса.

Жамоатчилик фикрига, ўтган қисқа давр ичидаги ички ишлар тизими ва унинг фаолиятини тубдан яхшилаш, борасида кенг кўлам-ли ислоҳотлар амалга оширилди.

Қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг таҳлилига таяниб, ички ишлар органлари фаолиятига янги тартиблар ва механизм-лар-нинг жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мум-кинки, тизимдаги ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлан-ди. Ушбу босқич якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, соҳада дастлабки самаралар кузатилаётганлигини қайд этиш жоиз. Хуқуқбузарликлар про-фи-лак-тикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жамият хаётининг барча соҳаларида тартибга солишнинг хукуқий асосларини мустахкамлаб бораётган, демократия адолат, инсон хуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципларига амал қилинаётган бугунги кунда фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш масалалари бўйича мухим ахамият касб этган хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири хисобланган профилактика инспекторининг хуқубузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини ўрганиш мухим ахамият касб этади.